

Исломни парчалашга ҳаракат қилганлар



14:23 / 15.05.2024 2420

Жалуло фатҳи

Жалуло Яздажир қочиб борган шаҳар эди. Ўша ерда у билан бирга форслар жамланиб, қўрғон кўтаришган, мудофаа истехкомини қуришган эди. Муслмонлар шаҳарга етиб бориб, уни ҳам фатҳ қилдилар ва буюк зафар қучдилар. Ундан олинган ўлжалар Мадоиннинг ўлжаларидан кам бўлмади.

Сўнг муслмонлар Ҳулвон, Тикрит, Мовсил, Мосабазон, Аҳвазон, Тустар, Сус, Жундайсобур каби шаҳарларни фатҳ қилдилар.

Муслмонлар форсларнинг энг катта амирларидан бири Ҳурмузонни тутиб олиб, уни ўлжалар билан қўшиб Умар розияллоху анҳуга юбордилар.

Истаҳр фатҳи

Баҳрайн волийси Ало ибн Ҳазраимий халифанинг изнисиз бу шаҳарга денгиз йўли орқали бориб, у ерда форсларни қамал қилди. Умар розияллоҳу анҳу унга мадад кучларини юборди. Мусулмонлар гўзал ғалаба қозониб, шаҳарни фатҳ қилдилар.

«Фатҳларнинг фатҳи» Наҳованд фатҳи

(ҳижрий 21, милодий 641 йил)

Умар розияллоҳу анҳу Форс урушини охирига етказиш учун ўзлари бормоқчи бўлдилар. Лекин саҳобалар бу таклифни рад қилишгач, Наҳовандга Нуъмон ибн Муқаррин Музанийни ўттиз минг киши билан юбордилар. Форсларнинг аскарлари кўп бўлиб, уларнинг сони юз эллик мингга етган эди. Шу жойда қирғинбарот жанг бошланди. Форслардан юз мингдан ортиқ киши ер тишлатилди, уларнинг қўмондони Ферузон ҳам ўлдирилди. Жанг майдони душман аскарларининг жасадлари билан тўлиб-тошди. Мусулмонларнинг қўмондони Нуъмон ибн Муқаррин Музаний шаҳид бўлдилар.

У кишидан кейин Ҳузайфа ибн Ямон қўмондон бўлдилар. Шундай қилиб, Наҳованд фатҳ қилинди. Бу жуда ҳам улкан ғалаба бўлди. Сўнг мусулмонлар олдинга юришларни давом эттириб, Исфаҳон, Қошон, Қум ва Кирмонни ҳам фатҳ қилдилар.

Мусулмонларнинг Форс давлати ичкарасига тарқалиши

(ҳижрий 22–23, милодий 642–643 йиллар)

Умар розияллоҳу анҳу мусулмонларнинг бутун Форсга тарқалиб кетишларини хоҳламас эдилар. У ерда уларнинг зое бўлиш хавфи бор эди. Аммо Аҳнаф ибн Қайс у кишини бу ишга кўндирди. Шундан кейин мусулмон аскарлар Форс ерларига тарқалиб, ичкаригача кириб бордилар.

1. Нуъайм ибн Муқаррин Ҳамадонни, кейин Райни – Техронни фатҳ қилди. Журжон ва Табаристон аҳли билан сулҳ тузди. Озарбайжоннинг баъзи ўлкаларигача етиб бориб фатҳ қилди.
2. Суроқа ибн Амр Каспий денгизининг ғарбий соҳилларидаги Бобул абвоб – Дарбанд шаҳрини фатҳ қилди. У ҳозирги Доғистоннинг бир бўлаги ҳисобланган.
3. Аҳнаф ибн Қайс Хуросонни фатҳ қилди.

4. Усмон ибн Абул Ос Истаҳр, Шероз ва Арманистонни фатҳ қилди.
5. Осим ибн Амр Тамимий Сижистонни фатҳ қилди.
6. Суҳайл ибн Адий Кирмонни фатҳ қилди.
7. Ҳакам ибн Амр Тағлибий Мукронни фатҳ қилди.
8. Утба ибн Фарқад Суламий Форс юртларининг шимолий ҳудудларини фатҳ қилди.

Шундай қилиб, Форс императорлиги бутунлай тугатилди.

Мулоҳаза: Форс давлати ҳарбий жиҳатдан қулади. Бироқ улар Исломга қарши фикрий курашни давом эттираверишди. Мана шу нарса Ислом оламининг заифлашишидаги энг муҳим сабаблардан бири бўлди.

Кейинги пайтда пайдо бўлган кўпгина бузғунчи ҳаракатларнинг бош сабабчиси форслар бўлиб, бу омиллар ҳам Исломни парчалашга хизмат қилди. Зиндиқлар ҳаракати, занжийлар ҳаракати, қарматийлар ҳаракати, Синдбод, Муқаннаъ Марвазий Хуросоний, Бобак Хуррамийларнинг ҳаракатлари шулар жумласидандир.

«Ислом тарихи» китоби биринчи жузи

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.